ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ ВА НАЗОРАТИ

Бош илмий-методик марказ

2021

Ўқув-услубий мажмуа

# ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ ВА НАЗОРАТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**
**БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**“Таълим сифати менежменти” йўналиши учун**

# “ТАЪЛИМ СИФАТИ МОНИТОРИНГИ ВА НАЗОРАТИ”

# модули бўйича

# Ў Қ У В –У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Тошкент – 2021**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **Б.Назаров -** техника фанлари номзоди, доцент

**Тақризчи:** **Н.Сабуров -** юридик фанлари доктори, доцент

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
*(2020 йил “30” декбардаги 5/4-сонли баённома)*

## МУНДАРИЖА

**I. ИШЧИ ДАСТУР** ........ **6**

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ** ........ **17**

**III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР** ........ **20**

**IV. АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР** ........ **56**

**V. ГЛОССАРИЙ** ........ **114**

**VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ** ........ **118**

# I. ИШЧИ ДАСТУР

# ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган олий маълумотли мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Республикада таълим тизимини мустаҳкамлаш, уни замон талаблари билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳатлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, Давлат томонидан қўйилаётган талаблар асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

Ушбу дастурда Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси. Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш. Талабалар билимини баҳолаш тизими. Таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш. Якуний давлат аттестацияси. Давлат-жамоатчилик

назорати. Ташқи назорат. Таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари. Халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтинги. «2+500» ва «8+1000» лойиҳалари. Олий таълим ташкилотларининг миллий рейтинги. Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш. Таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш. Таълимда ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилишда раҳбар кадрларнинг ўрни. Таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорати асослари баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Модулнинг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини таълим сифати назорати, таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, якуний давлат аттестацияси, олий таълим муассасалари рейтинги билан таништириш.

**Модулнинг вазифалари:**

тингловчиларда таълим сифати назорат қилиш, таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, якуний давлат аттестациясини ўтказиш, олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш бўйича малака ва кўникмалар .

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Таълим сифати мониторинги ва назорати” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари;
- таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси;
- таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш;
- талабалар билимини баҳолаш тизими;
- таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш;
- якуний давлат аттестацияси;
- давлат-жамоатчилик назорати;
- ташқи назорат;
- таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари;

- халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтинги. «2+500» ва «8+1000» лойиҳалари;
- олий таълим ташкилотларининг миллий рейтинги;
- таълим сифатини назорат қилиш ва олий таълим муассасалари рейтингини юритишнинг нодавлат тизимини яратиш;
- таълимда ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилишда раҳбар кадрларнинг ўрни;
- таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорати асослари уларни амалга оширишдаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича **билимларга эга бўлиши**;
- таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари бўйича ишлаш;
- таълим муассасаларини аттестациясидан ва давлат аккредитациясилан ўтказиш;
- таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш;
- талабалар билимини баҳолаш тизимини қўллаш;
- таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш;
- назорат турларини қўллаш;
- халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтинги. «2+500» ва «8+1000» лойиҳаларини амалиётда қўллаш;
- олий таълим ташкилотларининг миллий рейтингини аниқлаш;
- таълим сифатини таъминлаш жараёнларини электрон таълим бошқарув тизими орқали назорат қилишни қўллаш бўйича **кўникма ва малакаларни эгаллаши;**
- таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш ва хулдоса тайёрлаш;
- таълим муассасаларида ички, ташқи, давлат-жамоатчилик назоратини ўтказиш;
- олий таълим муассасаларини рейтингига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Таълим сифати мониторинги ва назорати” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Таълим сифати мониторинги ва назорати” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Университет 3.0 модели ва таълим сифатини таъминлаш масалалари”, “Таълим сифатини таъминлашда халқаро тажрибалар” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар назорат турлари ва уларни қўллаш, таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш, олий таълим муассасаларини рейтингини аниқлашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

| № | Модул мавзулари | Аудитория ўқув юкламаси | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **Жами** | **Назарий** | **Амалий машғулот** |
| 1. | Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси. Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш | 2 | 2 | |
| 2. | Талабалар билимини баҳолаш тизими. Таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш. Якуний давлат аттестацияси. Давлат-жамоатчилик назорати. Ташқи назорат. Таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари | 2 | 2 | |
| 3. | Таълим муассасалари фаолиятини ички ва ташқи баҳолашни амалга ошириш. | 2 | | 2 |
| 4. | Олий таълим муассасалари рейтингшии аниқлаш | 4 | | 4 |
| 5. | Олий таълим муассалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва олий таълим муассасаларида жамоатчилик назорати | 2 | | 2 |
| | **Жами:** | **12** | **4** | **8** |

# НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ-НИ АТТЕСТАЦИЯСИ ВА ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БАҲОЛАШ. (2 соат)

**Режа:**

1. Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.
2. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси.
3. Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш.

Олий ва олий таълимдан кейинги ҳамда кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш кўрсаткичлари ва ҳар бир кўрсаткичнинг баҳолаш мезонлари.

Олий ва олий таълимдан кейинги ҳамда кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш механизмлари ва аттестация натижалари бўйича таҳлилий ва жадвал кўринишидаги маълумотлар. Давлат аккредитациядан ўтказиш механизмлари, давлат аккредитациясидан мақсад. Давлат аккредитациясини аҳамияти.

Олий ва олий таълимдан кейинги ҳамда кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолашнинг мақсади. Ички ва ташқи баҳолашни ташкил этиш, ички ва ташқи баҳолаш комиссияларини шакллантириш, ички ва ташқи баҳолашларни ўтказиш, маълумот ва хулосаларни тайёрлаш.

## 2-МАВЗУ: ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЮҚОРИ САМАРАЛИ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИ, ДАВЛАТ-ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ. ТАШҚИ НАЗОРАТ. ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИЧКИ НАЗОРАТ ВА ҲИСОБДОРЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ. (2 соат)

**Режа:**

1. Талабалар билимини баҳолаш тизими.
2. Таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари.
3. Якуний давлат аттестацияси.

Талабалар билимини баҳолашнинг 5 баҳолик ва 100 баллик рейтинг тизими. Амалга ошириш механизмлари, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф эьтиш йўллари.

Республикамиз ва хорижий давлатларнинг таълим тизими. Хорижий давлатлар таълим тизимидаги илғор тажрибаларни республикамиз таълим тизимига жорий этилиш ҳолатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мисолида.

Якуний давлат аттестацияси, Якуний давлат аттестациясини ўтказишда йўл қўйиладиган камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Давлат-жамоатчилик ва ташқи назорат. Уларни ўтказишга масъул давлат ва жамоат органлари, ўтказиш тартиби.

Таълим сифатини оширишда ички назорат ва ҳисобдорлик механизмлари ва унинг аҳамияти.

## АМАЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БАҲОЛАШНИ АМАЛГА ОШИРИШ. (2 соат)

Таълим муассссасаларини ички баҳолаш ва маълумот тайёрлаш. Таълим мауссаларини ташқи баҳолаш ва хулоса тайёрлаш. Ташқи баҳолаш натижалари.

### 2-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГШИИ АНИҚЛАШ (4 соат)

Олий таълим муассасалари рейтинги бўйича хорижий тажриба. Олий таълим муассасаларини миллий рейтингини тузиш. Олий таълим

муассасаларининг рейтинг натижалари ва уларнинг қиёсий таҳлили.

## 3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ (2 соат)

Олий таълим муассалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва уларни ишга қабул қилиш, танловдан ўтказиш механизмлари. Таълим сифатини таъминлаш. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни. Жамоатчилик назоратини жорий этиш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, мотивацияни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ривожлантириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

**II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қорорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори.

18. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214].

### Ш. Махсус адабиётлар:

1. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўкув юртларида ўкув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

2. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Нью Брансвик Университети, 2020 й.

3. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий хужжатлари тўплами. -Т., 2013.

4. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

5. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

6. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

### IV. Интернет сайтлар:

7. http://edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

8. http://lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

9. http://bimm.uz – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

10. http://ziyonet.uz – Таълим портали ZiyoNET.

- http://natlib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

# II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

## II. ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**“Нима учун?” технологияси.**

Нима учун схемаси мавжуд муаммони келтириб чиқарган сабабларини аниқлашга ёрдам берувчи схемадир. Сабаб-оқибат қонунига асосан муаммони келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламай туриб муаммони ҳал этиш қийин. Муаммони ечимини топиш учун уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва йўқотиш талаб этилади. Тингловчиларда сабаб-оқибат қонунияти асосида фикр юритишни тарбиялаш муҳим. Ушбу схема тингловчиларда айнан ана шу хусусиятни ривожлантиради. Тингловчиларда тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

***НИМА УЧУН?*** → муаммони аниқлаш, уни ҳал этиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш жараёнида қўллаш мумкин

**“Нима учун”? схемасига асосан тингловчилар фаолиятини ташкил этиш кетма-кетлиги**

**1-босқич**

Тингловчиларни “Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари билан таништириш

↓

**2-босқич**

Якка тартибда ( жуфтликда) муаммо шакллантирилади. Нима учун? сўроғи билан стрелка чизилади ва саволга жавоб ёзилади. Қайта-қайта “нима учун” деган савол бериб борилади. Муаммони келтириб чиқарган илдиз яширинган сабаби топилгунча давом эттирилади.

↓

**3-босқич**

Тингловчилар кичик гуруҳларга бирлаштирилади, ўз схемаларини таққослашга ва қўшимча киритишга имкон яратилади. Умумий схема жамланади.

**4-босқич**

Натижалар тақдимоти уюштирилади. Фаолият натижалари баҳоланади.

**«Нима учун?» технологиясининг схемадаги кўриниши**




**“Нима учун”? схемасини тузиш қоидалари.**

1. Қандай пиктограммадан фойдаланишни ўзингиз ҳал этасиз.

2. Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.

3. Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

# III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

# III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР

## 1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ-НИ АТТЕСТАЦИЯСИ ВА ДАВЛАТ АККРЕДИТАЦИЯСИ, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИЧКИ ВА ТАШҚИ БАҲОЛАШ. (2 соат)

**Режа:**

1. Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.
2. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси.
3. Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш.

**Таянч тушунчалар:** *Аттестация, давлат аккредитацияси, ички баҳолаш, ташқи баҳолаш.*

### 1. Таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш тегишли Таълим муассасалари давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги низомга мувофиқ тартибга солинади.

**Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сонли қарорига илова билан тасдиқланган.**

Ушбу Низом «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, мактабдан ташқари, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат таълим муассасаларини ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда таълим ташкилотлари деб аталади) аттестациядан ва давлат аккредитациясидан (кейинги ўринларда аккредитация деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

**Ушбу Низом Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.**

Ҳарбий таълим муассасаларини аттестациядан ва аккредитациядан ўтказишда давлат, ҳарбий, хизмат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларга оид маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Таълим ташкилотлари аттестацияси (кейинги ўринларда аттестация деб аталади) ва аккредитацияси Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида«ги Қонунида ҳамда ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади.

Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Аттестация таълим ташкилотининг фаолиятини баҳолашда давлат назоратининг асосий шакли ҳисобланади ва таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Аттестациянинг асосий принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

мустақиллик;

холислик;

ошкоралик;

шаффофлик;

одиллик;

даврийлик.

Аккредитация таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари мезон ва талабларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқини беришдан иборат.

**Янги ташкил этилган таълим ташкилотлари улар ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади.**

Тиббиёт олий таълим муассасалари ташкил этилган пайтдан бошлаб 6 йил муддатга аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади.

Белгиланган муддатлар тугаганидан сўнг таълим ташкилотлари аккредитациядан ўтказилиши шарт.

**Лицензияга эга бўлган нодавлат таълим ташкилотлари томонидан**

**давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари асосида таълим олган битирувчиларга берилади.**

Давлат таълим стандартлари ёки давлат талабларидан ташқари таълим дастурлари асосида таълим олган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларига давлат намунасидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат берилмайди.

Таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш қуйидаги босқичлардан иборат:

аттестациядан ўтказиш жараёнига тайёргарлик кўриш;

таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;

аттестация натижаларига кўра таълим ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;

аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш;

аттестация натижалари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиш.

Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда тизимида давлат таълим муассасалари бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда ушбу Низом талабларидан келиб чиқиб таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда аттестация улар асосида ўтказилади.

**2. Таълим муассасаларини аттестацияси ва давлат аккредитацияси**.

Аттестация Давлат инспекцияси томонидан ташкил этилади.

Аттестация таълим ташкилотларининг фаолиятини ички ва ташқи баҳолашдан иборат икки босқичда амалга оширилади.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини ички баҳолаш таълим ташкилотлари томонидан ўзини ўзи баҳолаш ҳисобланади.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин таълим ташкилотлари фаолиятига Давлат инспекцияси томонидан баҳо бериш ҳисобланади.

Қуйидагилар таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолашнинг асосий мақсади ҳисобланади:

таълим ташкилотлари ёки таълим дастурларини (таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, касблар ва курслар) аттестация

кўрсаткичлари ва мезонлари асосида баҳолаш;

таълим ташкилотларида таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

таълим ташкилотларининг фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

таълим ташкилотларини ташқи баҳолашдан ўтказишга тайёрлаш.

Ички баҳолаш олий таълим муассасаларида ушбу муассасаларнинг таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари томонидан, бошқа таълим ташкилотларида таълим ташкилотлари раҳбарларининг буйруғи билан ташкил этиладиган ички баҳолаш комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Комиссиялар томонидан таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ташқи баҳолашдан камида бир ой олдин ўтказилади.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолашдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари ташкил этилади.

Эксперт комиссиялари томонидан таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларида — 3 иш кунигача;

касб-ҳунар таълими ташкилотларида — 6 иш кунигача;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларида — 10 иш кунигача.

олий таълим ташкилотлари, шунингдек, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида — 12 иш кунигача.

Таълим ташкилотлари ёки таълим дастурлари (таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, касблар ва курслар) 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказилади.

Таълим ташкилотлари таркибидаги филиаллар ва олий таълим ташкилотлари таркибидаги олий ўқув юртидан кейинги таълим институти аттестацияси таълим ташкилотлари аттестацияси билан бир вақтда ўтказилади.

Аттестация жараёнида таълим турлари бўйича таълим ташкилотларининг охирги икки йиллик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш асосида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

олий таълим ташкилотларида:

ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги;

давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

талабаларнинг фан дастурларини ўзлаштириш даражаси (билими);

профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти ва улар мутахассисликларининг (ихтисосликларининг) дарс бераётган фанларига мувофиқлиги;

талабаларнинг дарслик (электрон дарслик) ва ўқув қўлланмалари билан таъминланганлиги даражаси, электрон кутубхона тизимининг мавжудлиги, ундан фойдаланиш самарадорлиги ва мустақил таълим бўйича ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги;

моддий-техника таъминоти, ўқув лабораторияларининг замонавий асбоб-ускуналар билан ҳамда фойдали ўқув-лаборатория майдони билан таъминланганлиги даражаси;

электрон таълимнинг жорий этилишида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларнинг қўлланилиши;

таълимнинг ишлаб чиқариш ва илм-фан билан интеграцияси;

илмий-тадқиқот фаолияти;

маънавий-маърифий фаолияти;

битирувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичларига ўқишга ёки ишга жойлашиши;

халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги;

абитуриентларни ўқишга қабул қилиш жараёнининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши;

битирувчилар томонидан битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари бажарилиши (сифати), якуний давлат аттестациясига оид фаолият ва унинг натижалари;

иш берувчиларнинг битирувчилар билими, малакаси ва кўникмаларидан қониқиши ҳолати;

олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида:

давлат талабларининг таълим жараёнига жорий этилиши;

илмий раҳбар ва маслаҳатчилар таркибининг сифат кўрсаткичлари ҳамда уларнинг илмий-ташкилий фаолияти натижалари;

таълимни амалга ошириш жараёнига жалб этилган педагог ва илмий ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси эътироф этган журналларда, шунингдек, хорижий нашрларда илмий мақолаларни чоп этиш фаолияти;

илмий-экспериментал, моддий-техника базанинг ҳолати;

докторант ва мустақил изланувчиларга ижтимоий, илмий, ижодий ҳамда лойиҳалаш ишларини олиб боришлари учун яратилган шарт-шароитлар;

докторант ва мустақил изланувчилар шахсий иш режаларининг бажарилиши, ҳисоботларининг олий таълим ташкилотларининг ёки илмий-

тадқиқот муассасаларининг коллегиал органларида (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техникавий кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқаларда) муҳокама қилинганлиги ҳамда тасдиқланган режага мос деб топилганлиги;

докторант ва мустақил изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторингининг олиб борилиши ҳолати;

олий ўқув юртидан кейинги таълим институтини битирган докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science) диссертацияларини ҳимоя қилиши ҳолати;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларида:

ташкилий-бошқарув фаолиятининг самарадорлиги;

давлат талабларининг ўқув жараёнига жорий этилиши;

моддий-техника таъминоти;

педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳияти;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши;

таълимнинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси ҳамда халқаро ҳамкорлик фаолияти;

битирув имтиҳонлари, малака ва битирув ишларининг бажарилиши;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш якуни бўйича дипломлар, гувоҳномалар, сертификатлар расмийлаштирилиши ва берилиши.

Нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи тўлиқ молиялаштирадиган давлат таълим муассасаларини аттестациядан ўтказганлик учун қуйидаги миқдорларда йиғим ундирилади:

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим бўйича — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари;

ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бўйича тегишлилигига кўра аттестацияга жалб этиладиган ҳар бир таълим йўналиши ва касб учун — энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари;

олий таълим бўйича аттестацияга жалб этиладиган ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассислик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баравари;

олий ўқув юртидан кейинги таълим бўйича аттестацияга жалб этиладиган ҳар бир ихтисослик учун — энг кам иш ҳақининг олти баравари;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълими бўйича аттестацияга жалб этиладиган ҳар бир курс учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари.

Аттестациядан ўтказганлик учун йиғим Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади ва аттестация билан боғлиқ

харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

Таълим ташкилотлари томонидан аккредитация муддати тугайдиган йилдан олдинги йилнинг 1 октябрига қадар Давлат инспекциясига аттестациядан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим қилинади.

Таълим ташкилотларининг аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

таълим ташкилотининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, жойлашган жойи, телефон рақами, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ва электрон почта манзили тўғрисидаги маълумот (филиали мавжуд бўлган таълим ташкилоти маълумотларни филиал бўйича ҳам тақдим этади);

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

аттестациядан ўтказиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси (нодавлат таълим ташкилотлари ва ўзини ўзи тўлиқ молиялаштирадиган давлат таълим муассасалари учун);

аттестациядан ўтказиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курслар ва касблар рўйхати.

**Тизимида давлат таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари аттестациядан ўтказиш жадвалини ҳамда аттестацияга оид бошқа ҳужжатларни таълим ташкилотлари фаолиятини ташқи баҳолаш бошланишидан камида икки ой олдин Давлат инспекциясидан оладилар.**

Аттестация ўтказиш жадвали ва аттестацияга оид бошқа ҳужжатлар олинган кундан бошлаб таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ташкил этилади ва ўтказилади.

**Таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш натижасида тўпланган маълумотлар ва материаллар, Давлат инспекцияси томонидан тақдим этилган таълим ташкилоти фаолиятига оид маълумотлар киритилган жадваллар ташқи баҳолаш бошланишидан камида бир ой олдин Давлат инспекциясига юборилади.**

Белгиланган муддатда ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги ёки ҳужжатлардаги камчиликларнинг бартараф этилмаслиги таълим ташкилотининг аттестациядан ўтказилмаслигига асос бўлади.

Таълим ташкилотлари томонидан аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар, таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш натижасида тўпланган маълумотлар ва материаллар Давлат инспекциясига қуйидаги шакллардан бирида тақдим этилади:

а) қоғоз шаклида — таълим ташкилотининг ишончли вакили ёхуд почта алоқаси хизмати орқали;

б) электрон шаклда — таълим ташкилоти раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтидаги махсус портал орқали.

Давлат инспекциясида аттестациядан ўтувчи таълим ташкилоти учун аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар йиғмажилди йиғилади. Унда қуйидагилар жамланади:

эксперт комиссиясини тузиш ҳақидаги буйруқ ёки қарор;

аттестация натижалари бўйича эксперт комиссияси хулосаси;

аккредитация бўйича Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи;

аттестациядан ва аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатлар йиғмажилди навбатдаги аттестация ўтказилгунга қадар Давлат инспекциясида сақланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказувчи эксперт комиссиялари таркиби Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади ҳамда унга Давлат инспекцияси ходими раҳбарлик қилади.

Эксперт комиссиялари таркибига тегишли равишда таълим ташкилотларининг педагог ва раҳбар ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ходимлари, тегишли ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори малакали мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари жалб этилади. Бунда улар аттестациядан ўтказилаётган таълим ташкилотларига алоқадор бўлмаслиги лозим. Эксперт комиссиялари таркибига хорижий экспертлар ҳам киритилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-ҳунар, олий, олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказувчи эксперт комиссиялари таркибини шакллантириш учун Давлат инспекцияси томонидан экспертлар рўйхати тузилади ҳамда ушбу рўйхатдаги экспертлар орасидан Давлат инспекцияси тегишли экспертларни танлаб олади.

Экспертлар рўйхати Давлат инспекциясининг сўровига мувофиқ тегишли вазирликлар ва идоралар, давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан тақдим этилган номзодлардан таълим турлари, таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курслар ва касбларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Экспертларга қўйиладиган талаблар, уларни танлаб олиш ва аттестация жараёни бўйича семинарлар ташкил этиш Давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

Эксперт комиссияларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим ташкилотининг фаолиятини ички баҳолаш натижалари бўйича олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш;

таълим ташкилотидаги таълим сифати ва мазмунининг давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мувофиқлиги ҳамда кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш;

таълим сифатини ошириш ва таълим хизматларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш;

таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолаш юзасидан хулоса тайёрлаш ва Давлат инспекциясига тақдим этиш.

Таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолаш эксперт комиссиялари томонидан тегишли таълим ташкилотларига бормай, улар томонидан тақдим этилган маълумотлар ва материалларни ўрганиш асосида Давлат инспекциясида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилган маълумотлар давлат таълим стандартлари ва давлат талабларига мос келмаслиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, эксперт комиссиялари томонидан қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкин. Таълим ташкилотларининг раҳбарлари эксперт комиссиялари томонидан сўралган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Таълим фаолияти масофавий таълим технологиялари асосида олиб бориладиган таълим ташкилотларида эксперт комиссиялари аъзоларига таълим олувчиларнинг эришган натижалари, улар томонидан фан дастурлари ўзлаштириши ҳолати ва таълим фаолияти билан боғлиқ бошқа маълумотларни олиш учун электрон маълумотлар базасига киришга рухсат берилади.

Давлат таълим муассасаларини ташқи баҳолашдан ўтказиш бўйича экспертлар комиссиялари аъзоларининг хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар уларнинг асосий иш жойи маблағлари ҳисобига қопланади.

Бунда тегишли бюджет ташкилотларидан жалб қилинган эксперт

комиссиялари аъзоларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатлари ушбу бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметасида хизмат сафари учун назарда тутилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ва тўлиқ ўзини ўзи молиялаштирадиган давлат таълим муассасаларини ташқи баҳолашдан ўтказиш учун жалб этилган эксперт комиссиялари аъзоларига Давлат инспекцияси билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ҳақ тўланади. Эксперт комиссиялари аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори уларнинг бажарган ишларига мутаносиб равишда томонлар келишувига мувофиқ белгиланади.

Эксперт комиссиялари таркиби ва иш муддати таълим ташкилотларининг тури ҳамда таълим йўналишлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар, курслар ва касблар сонига қараб белгиланади.

Аттестация натижалари асосида эксперт комиссиялари томонидан таълим ташкилотида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг давлат таълим стандартлари ҳамда давлат талабларига мувофиқлиги ҳақида хулоса тайёрланади.

Эксперт комиссиялари томонидан таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш натижалари ва бошқа тақдим этилган ҳужжатларда ҳаққоний бўлмаган маълумотларнинг аниқланиши таълим ташкилотларининг (таълим дастурларининг) «аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилишига сабаб бўлади ҳамда давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжат бериш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Бундай ҳолатда таълим ташкилотига бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтиш учун ариза билан мурожаат қилиш имконияти берилади.

Эксперт комиссиялари таълим ташкилотлари раҳбарияти билан биргаликда таълим ташкилоти фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Давлат инспекцияси аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни ташкил қилади.

Таълим ташкилотлари томонидан чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар чорак якунида Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтидаги электрон платформага киритиб борилади.

Аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, Давлат инспекцияси томонидан тегишли вазирликлар ва идораларга тақдимнома киритилади. Тақдимномада кўрсатилган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаса, таълим ташкилотига берилган аккредитация сертификати бекор қилинади. Бунда, таълим ташкилоти навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилади.

### 3. Таълим муассасаларини ички ва ташқи баҳолаш.

Олий таълим ташкилотида мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг умумий сонига нисбатан 67 ва ундан кўп фоизи «аттестациядан ўтди» деб хулоса қилинса, олий таълим ташкилоти «аттестациядан ўтди», 67 дан кам фоизи аттестациядан ўтганда «аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилади.

«Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган олий таълим ташкилотининг аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари ва мутахассисликларига таълим олувчиларни ўқишга қабул қилиш тўхтатилади.

Олий таълим ташкилотларининг аттестациядан ўтмаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси комиссияси таркибига Давлат инспекциясининг вакиллари киритилиши шарт.

«Аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган олий таълим ташкилотлари тўғрисида қуйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

давлат олий таълим муассасасини қайта ташкил этиш, тугатиш ёки мақомини ўзгартириш тўғрисида тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга тақдимнома киритиш;

нодавлат олий таълим ташкилотларига таълим олувчиларни ўқишга қабул қилишни тўхтатиш;

таълим олувчилари битириб чиққанидан кейин нодавлат олий таълим ташкилотлари лицензиясининг амал қилишини тугатиш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида камида битта ихтисослик аттестациядан ўтган тақдирда, улар ушбу таълим тури бўйича «аттестациядан ўтди» деб эътироф этилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисосликларини охирги уч йилда битирган докторантлар ва мустақил изланувчилар диссертацияларининг илмий даража берувчи илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинганлари сони 10 фоиздан кам бўлса, ихтисосликка нисбатан «аттестациядан ўтмади» деган қарор қабул қилинади.

«Аттестациядан ўтди» деб эътироф этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг аттестациядан ўтмаган ихтисосликлари бир йилдан кейин қайта аттестациядан ўтказилади.

Қайта аттестация натижаларига кўра «аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилган ихтисосликларга қабул тўхтатилади. Қайта аттестация натижалари қабулни тўхтатиш бўйича тегишли қарор қабул қилиш учун:

тизимида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига;

олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи нодавлат олий таълим ташкилотларининг муассисларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига юборилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари «аттестациядан ўтмади» деб эътироф этилганда:

олий ўқув юртидан кейинги таълим бўйича қабул тўхтатилади;

таълим олувчилари битириб чиққанидан кейин олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи нодавлат олий таълим ташкилотларининг олий ўқув юртидан кейинги таълим бўйича лицензиясининг амал қилиши белгиланган тартибда тугатилади;

таълим олувчилар илмий ишларини давом эттириши учун тасарруфида олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан бошқа олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўтказилади;

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган докторантлар ва мустақил изланувчиларнинг шартномалари улар ўтказилган олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан қолган муддатга қайта расмийлаштирилади;

бошқа олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлмаган тақдирда илмий ишларни ушбу олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотида ёки илмий-тадқиқот муассасасида давом эттиришга рухсат берилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга оширувчи олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг мониторинги натижалари ҳамда олий таълим ташкилотлари ёки илмий-тадқиқот таълим муассасалари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида жойларга чиқмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим ташкилотлари бўйича:

| 54 | Жиззах давлат педагогика институти | 34.34 | 9.11 | 5.85 | 19.02 | 0.36 | **+3** |
| 55 | Гулистон давлат университети | 33.66 | 6.8 | 7.7 | 18.38 | 0.79 | **0** |
| 56 | Қўқон давлат педагогика институти | 33.28 | 5.55 | 7.42 | 20.12 | 0.19 | **0** |
| 57 | Нукус давлат педагогика институти | 31.38 | 6.31 | 7.43 | 17.04 | 0.61 | **-4** |

ИФ - Профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолияти;
ЎС - Ўқув-услубий ишлар ва ўқитиш сифати;
ТБ - Талабалар билими ва битирувчилар сифати;
ТБ - Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича фаолияти.

**Олий таълим муассасалари томонидан тўпланган балларнинг 2018 йилга нисбатан ҳолати**

| № | Олий таълим муассасасининг номи | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2018 й.) | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2019 й.) | Ўсиш ёки пасайиш | 2019 йилда эгаллаган ўрни |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўзбекистон миллий университети | 62.82 | 69,02 | + 6,20 | 1 |
| 2 | Тошкент давлат шаркшунослик институти | 57.97 | 49,11 | - 8,86 | 10 |
| 3 | Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти | 55.38 | 68,96 | +13,58 | 2 |
| 4 | Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти | 52.97 | 43,19 | -9,78 | 23 |
| 5 | Самарқанд давлат университети | 47.31 | 52,89 | +5,58 | 3 |
| 6 | Тошкент тиббиёт академияси | 47.03 | 48,82 | +1,79 | 11 |
| 7 | Тошкент давлат стоматология институти | 46.18 | 50,60 | +4,42 | 8 |
| 8 | Ўзбекистон давлат жахон тиллари университети | 46.03 | 46,94 | +0,91 | 19 |
| 9 | Тошкент темир йўл муҳандислари институти | 46,00 | 51,63 | +5,63 | 5 |
| 10 | Тошкент ахборот технологиялари университети | 45.07 | 52,68 | +7,61 | 4 |
| 11 | Тошкент давлат аграр университети | 44.56 | 51,58 | +7,02 | 6 |
| 12 | Тошкент давлат иктисодиёт университети | 44.27 | 51,57 | +7,30 | 7 |
| 13 | Бухоро давлат университети | 43.87 | 38,55 | -5,32 | 16 |
| 14 | Тошкент педиатрия тиббиёт институти | 43.11 | 47,91 | +4,80 | 15 |

| № | Олий таълим муассасасининг номи | Жами баллга нисбатан фоиз хисобида (2018 й.) | Жами баллга нисбатан фоиз хисобида (2019 й.) | Ўсиш ёки пасайиш | 2019 йилда эгаллаган ўрни |
|---|---|---|---|---|---|
| 15 | Тошкент кимё-технология институти | 42.62 | 39,79 | -2,83 | 33 |
| 16 | Тошкент фармацевтика институти | 41.74 | 42,53 | +0,79 | 25 |
| 17 | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти | 41.60 | 35,90 | -5,70 | 51 |
| 18 | Ўзбекистон халқаро ислом академияси | 41.13 | 38,03 | -3,1 | 39 |
| 19 | Тошкент давлат педагогика университети | 40.79 | 46,94 | +6,15 | 18 |
| 20 | Ўзбекистон давлат консерваторияси | 40.69 | 38,74 | -1,95 | 37 |
| 21 | Қорақалпоқ давлат университети | 40.42 | 41,53 | +1,11 | 30 |
| 22 | Самарқанд давлат чет тиллар институти | 40.12 | 42,49 | +2,37 | 26 |
| 23 | Тошкент давлат техника университети | 39.91 | 42,25 | +2,34 | 27 |
| 24 | Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети | 39.38 | 47,39 | +8,01 | 17 |
| 25 | Тошкент молия институти | 38.99 | 50,43 | +11,44 | 9 |
| 26 | Самарқанд ветеринария медицинаси институти | 38.96 | 37,48 | -1,48 | 42 |
| 27 | Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти | 38.91 | 48,35 | +9,44 | 13 |
| 28 | Наманган давлат университети | 38.89 | 35,93 | -2,96 | 50 |
| 29 | Наманган муҳандислик-қурилиш институти | 38.83 | 39,76 | +0,93 | 34 |
| 30 | Урганч давлат университети | 38.46 | 48,62 | +10,16 | 12 |
| 31 | Гулистон давлат университети | 38.43 | 33,47 | -4,96 | 55 |
| 32 | Самарқанд давлат тиббиёт институти | 36.36 | 39,69 | +3,33 | 35 |

| № | Олий таълим муассасасининг номи | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2018 й.) | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2019 й.) | Ўсиш ёки пасайиш | 2019 йилда эгаллаган ўрни |
|---|---|---|---|---|---|
| 33 | Термиз давлат университети | 36.31 | 35,21 | -1,10 | 52 |
| 34 | Бухоро муҳандислик-технология институти | 36.18 | 38,01 | +1,83 | 40 |
| 35 | Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти | 36.07 | 41,17 | +5,10 | 31 |
| 36 | Андижон давлат университети | 35.98 | 36,95 | +0,97 | 44 |
| 37 | Нукус давлат педагогика институти | 35.77 | 35,12 | -0,65 | 53 |
| 38 | Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби | 35.68 | 38,89 | +3,21 | 36 |
| 39 | Андижон давлат тиббиёт институти | 35.50 | 36,87 | +1,37 | 44 |
| 40 | Навоий давлат кончилик институти | 35.31 | 40,71 | +5,40 | 32 |
| 41 | Бухоро давлат тиббиёт институти | 35.17 | 47,44 | +12,27 | 16 |
| 42 | Тошкент архитектура-қурилиш институти | 34.96 | 46,43 | +11,47 | 20 |
| 43 | Фарғона политехника институти | 34.63 | 36,85 | +2,22 | 45 |
| 44 | Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети | 34.51 | 47,95 | +13,44 | 14 |
| 45 | Фарғона давлат университети | 34.34 | 36,75 | +2,41 | 46 |
| 46 | Тошкент давлат юридик университети | 34.14 | 46,28 | +12,14 | 21 |
| 47 | Андижон машинасозлик институти | 33.79 | 34,98 | +1,21 | 54 |
| 48 | Наманган муҳандислик-технология институти | 33.69 | 44,10 | +10,41 | 22 |
| 49 | Навоий давлат педагогика институти | 33.41 | 36,61 | +3,20 | 48 |

| № | Олий таълим муассасасининг номи | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2018 й.) | Жами баллга нисбатан фоиз ҳисобида (2019 й.) | Ўсиш ёки пасайиш | 2019 йилда эгаллаган ўрни |
|---|---|---|---|---|---|
| 50 | Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти | 33.32 | 36,22 | +3,10 | 49 |
| 51 | Қарши давлат университети | 32.67 | 42,14 | +9,47 | 28 |
| 52 | Жиззах политехника институти | 32.11 | 37,92 | +5,81 | 41 |
| 53 | Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти | 30.45 | 36,66 | +6,21 | 47 |
| 54 | Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти | 30.42 | 43,11 | +12,69 | 24 |
| 55 | Миллий рассомлик ва дизайн институти | 28.96 | 42,03 | +13,07 | 29 |
| 56 | Жиззах давлат педагогика институти | 28.95 | 31,07 | +12,12 | 57 |
| 57 | Қўқон давлат педагогика институти | 28.58 | 33,41 | +4,83 | 56 |

## 3-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ (2 соат)

*Олий таълим муассалари профессор-ўқитувчилари таркиби ва уларни ишга қабул қилиш, танловдан ўтказиш механизмлари. Таълим сифатини таъминлаш. Таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратининг ўрни. Жамоатчилик назоратини жорий этиш*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20ғсонли қарори билан Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом қабул қилинган.

**Мазкур Низом, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44,45 ва 46-моддаларига мувофиқ, олий таълим муассасаларига педагог ходимларни (профессор-ўқитувчилар таркибини) танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.**

Чуқур касбий билимларга ва илмий ютуқларга, ижодий, илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилиятлар ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида мутахассислар тайёрлаш билан шуғулланишга муносиб бўлган энг малакали педагог кадрларни танлаш учун рақобат муҳитини яратиш ва таъминлаш танловнинг мақсади ҳисобланади.

**Лавозимлари танлов бўйича эгалланадиган педагог ходимлар ва танлов қатнашчиларига қўйиладиган малака талаблари**

Педагог ходимлар тоифасига **кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр** лавозимини эгаллаб турган шахслар киради.

Олий таълим муассасасининг кафедра мудири, профессори, доценти, катта ўқитувчиси, ўқитувчиси (ассистенти) ўқитувчиси-стажёри лавозими **беш йил муддатга** танлов бўйича эгалланади.

Беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин кўрсатиб ўтилган лавозимлар мазкур Низомга мувофиқ танлов асосида эгалланади.

Икки ва ундан ортиқ тенг лавозимларга бир вақтда танлов ўтказилмайди.

Педагог ходимлар лавозимларини эгаллашнинг беш йиллик муддати даврида ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган олий таълим муассасасининг комиссияси томонидан ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича ушбу Низомга иловага мувофиқ мезонларга биноан педагог ходимлар фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилади.

Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш тартиби олий таълим муассасасининг илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Педагог ходимлар фаолиятини ўрганиш натижалари олий таълим муассасасининг илмий кенгашида кўриб чиқилади.

**Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун** танловда профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) кафедра мудири лавозимини эгаллашга бир беш йиллик муддатга қўйилади.

Бир муддат тамом бўлгандан кейин кафедра мудири лавозимини эгаллаб турган ва фан доктори илмий даражасини олмаган доцент (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалари) фақат истисно ҳолларда олий таълим муассасаси ректорининг тақдимномасига биноан ва бўйсуниши бўйича тегишли вазирлик ёки идоранинг рухсати билан кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун танловда яна иштирок этиши мумкин.

Фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган айнан бир шахснинг кафедра мудири лавозимига танловда кетма-кет учинчи муддатга иштирок этишига йўл қўйилмайди.

**Тиллар, жисмоний тарбия ва спорт, графика ва чизмачилик, маданият ва санъат йўналишлари кафедраси мудири лавозимини эгаллаш учун танловда иштирок этишга доцент илмий унвонига (фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлмаган, бироқ камида 5 йил методик, илмий-педагогик, ижодий ва ташкилий фаолият тажрибасига эга бўлган шахс қўйилиши мумкин.**

**Профессор лавозимини эгаллаш учун** танловда, қоидага кўра, профессор илмий унвонига ёки фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига

эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Профессор лавозимини эгаллаш учун танловда фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахс камида 5 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш, ушбу кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлиш шарти билан бир муддатга иштирок этиши мумкин.

**Доцент лавозимини эгаллаш учун** танловда, қоидага кўра, доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахс иштирок этиши мумкин.

Бир муддатга доцент лавозимини эгаллаш учун танловда, шунингдек тегишли илмий унвонга ва илмий даражага эга бўлмаган, бироқ ушбу мутахассислик бўйича камида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган, мазкур кафедранинг таълим йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари муаллифи бўлган юқори малакали мутахассис ҳам қатнашиши мумкин.

**Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун** танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

**Ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун** танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис) қатнашиши мумкин.

**Профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаш учун танловда тасвирий ва амалий санъат соҳасида олий маълумотга эга бўлмаган, бироқ ўзининг ноёб истеъдоди ва маҳорати билан танилиб, халқ эътирофига сазовор бўлган «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонларига эга бўлган шахслар ҳамда Ўзбекистон Бадиий**

**академияси академиклари истисно тариқасида қатнашишлари мумкин.**

Ҳомиладор аёллар, шунингдек уч ёшгача болалари бўлган аёллар эгаллаб турган лавозимларга танлов эълон қилинмайди.

Олий таълим муассасаларига ўқитувчи лавозимига соатбай ҳақ тўлаш шартларида ишга кираётган шахслар танловсиз, ректор буйруғи билан, белгиланган тартибда қабул қилинади.

**Тошкент давлат юридик университетига педагог ходимлар адлия органлари ва муассасалари учун белгиланадиган тартибда ўтказиладиган танлов асосида қабул қилинади.**

Ўқишни тугаллаш йилида олий таълим муассасаси магистратурасининг битирувчиси бўш лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда тақсимот бўйича 3 йил муддатга танловдан ташқари ўқитувчилик лавозимига тайинланади. Ушбу муддат фақат давлат гранти асосида ўқишни тамомлаган магистратура битирувчилари учун қўлланади.

**Тошкент давлат юридик университетида ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларига олий маълумотга эга бўлган шахс (қоида тариқасида, магистр, дипломли мутахассис), шунингдек илмий даража (шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва амалий иш тажрибасига эга бўлган шахслар қабул қилиниши мумкин.**

**Танловларни ўтказиш тартиби**

Олий таълим муассасаси сайлаш муддати ушбу ўқув йилида тамом бўладиган, шунингдек бўш лавозимларга кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар (ассистентлар) ва ўқитувчилар-стажёрлар лавозимларини эгаллашга танлов эълон қилади.

Танлов бўйича сайлов олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида ёки факультетларнинг илмий кенгашларида ўтказилади. Олий таълим муассасасининг илмий кенгашида ёки факультетнинг илмий кенгашида сайланадиган лавозимларни белгилаш ҳуқуқи олий таълим муассасасининг ректорига тегишли бўлади.

Кафедра мудирлари ва профессорлар олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларида танлов бўйича ўтадилар.

**Олий таълим муассасалари томонидан жисмоний тарбия ва спорт йўналиши ўқитувчиси (кафедра мудири) лавозимини эгаллаш учун ўтказиладиган танловда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги вакилининг илмий кенгаш йиғилишида иштирок**

**этиши талаб этилади.**

**Танловлар вақтли матбуотда ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан олий таълим муассасасининг кўп нусхали газетасида эълон қилинади. Танловда қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.**

Танловда қатнашишни хоҳловчилар олий таълим муассасаси ректори номига ариза берадилар, аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нусхаси илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Танловга тушган барча ҳужжатлар олдиндан кафедра мажлисида кўриб чиқилади. Илгари кафедрада ишламаган шахсларнинг ҳужжатларини кўриб чиқишдан олдин улар томонидан синов лекциялари (мазкур олий таълим муассасаси ўқитувчилари учун — очиқ машғулотлар) ўтказилади. Синов лекциялари ва очиқ машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. **Танлов қатнашчиларини тест синовларидан ўтказишга йўл қўйилади. Кафедра мудири лавозимига номзодларни муҳокама қилиш бўйича мажлисни факультет декани (олий таълим муассасалари умумий кафедраларида – проректор ўтказади).**

Илгари ўзи эгаллаб келган лавозим учун танловда қатнашувчи шахслар кафедра мажлисида танловдан олдинги даврдаги илмий-педагогик, методик, тарбиявий ва бошқа ишлари тўғрисида ҳисобот беради.

Кафедра илгари эгаллаб келган лавозими учун танловда қатнашувчи ҳар қайси номзод бўйича материалларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, **очиқ ёки яширин овоз** берган ҳолда, кафедранинг штатдаги ўқитувчиларининг (шу жумладан ўриндошлик тартибида ишлаётган ўқитувчиларининг) ва илмий ходимларининг оддий кўпчилик овози билан тавсиянома қабул қилади ва уни ўқитувчининг ҳисоботи билан бирга олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашига жўнатади.

Факультетнинг кафедра аъзоси ҳисобланмайдиган декани (проректор) кафедра мудири лавозимига номзодлар бўйича тавсияномалар қабул қилишда овоз беришда қатнашмайди. Эгаллаш учун танлов эълон қилинган лавозимни эгаллаб турган шахс материалларни кўриб чиқиш чоғида овоз беришда

қатнашмайди.

Ҳар қайси номзод бўйича илмий кенгаш мажлисида яширин овоз беришни ўтказишдан олдин кафедранинг тавсияномаси ўқиб эшиттирилади.

Мазкур лавозим учун танловда қатнашувчи барча шахсларнинг фамилияси яширин овоз бериш учун битта бюллетенга киритилади.

Овоз бериш бюллетенда овоз берилаётган номзоднинг фамилияси рўпарасига тегишли белги қўйиш йўли билан амалга оширилади. Фақат битта номзод учун овоз беришга йўл қўйилади.

Агар бюллетенда овоз бериш учун бирорта ҳам белги қўйилмаган бўлса ёхуд белги икки ёки ундан кўп фамилиялар рўпарасига қўйилган бўлса, у ҳолда бундай бюллетень бузилган ҳисобланади ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Овозларни ҳисоблаш учун илмий кенгаш овоз бериш бошланишидан олдин таркибида илмий кенгашнинг камида уч нафар аъзоси бўлган саноқ комиссиясини сайлайди. Саноқ комиссияси ҳар қайси номзод бўйича овоз бериш натижаларини эълон қилади.

Саноқ комиссияси протоколи илмий кенгаш томонидан тасдиқланади ва танлов материалларига қўшиб қўйилади.

Танловни ўтказишда илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидаги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камида 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади.

Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Лавозимларни эгаллаш учун ўқитувчиларни танлаш бўйича кафедра ва илмий кенгаш мажлислари очиқ тартибда ўтади. Танловда қатнашувчиларга уларнинг номзодлари муҳокама қилинадиган кафедра ва илмий кенгаш мажлисларида қатнашиш ёки уларнинг хоҳишига кўра кафедра ёки илмий кенгаш қарори билан танишиш ҳуқуқи берилади.

Илмий кенгаш котиби танлов натижалари тўғрисида ўн кун муддатда унда қатнашган шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашининг қарори, агар у ушбу Низом талабларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, узил-кесил ҳисобланади.

**Меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш, ўзгартириш ва тўхтатиш**

Ушбу олий таълим муассасасида ишламайдиган ва педагог ходимлар лавозимга танловдан ўтган шахслар билан белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилади, меҳнат шартномалари асосида уларни 5 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан ҳар 5 йилда ходим эгаллаб келган лавозим учун танлов ўтказилиши белгилаб қўйилади, ходим эса танловда қатнашишга ҳақлидир.

Ходим меҳнат шартномаси тузилгандан кейин ишга киришиши шарт бўлган муддат томонларнинг келишуви бўйича белгиланади, бироқ ушбу муддат бир ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Педагог ходимларнинг ёзги каникул (таътил) даври ушбу муддатга кирмайди.

Мазкур олий таълим муассасасида ишлайдиган ва танлов бўйича сайланган шахсларнинг меҳнат шартномаларига қуйидагилар ёзиб қўйилади:

улар илгари эгаллаб келган лавозим учун — меҳнат муносабатларини янги муддатга узайтириш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади ва тегишли буйруқ чиқарилади;

бошқа лавозимлар учун — танловдан ўтганлик тўғрисида илмий кенгаш протоколи қайд этилган ҳолда тегишли ўзгартиришлар ёзилади ва бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Давлат бошқаруви органи қарорига кўра педагог ходимлар аттестациядан ўтказилган тақдирда аттестация якунларига кўра иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари масалалари, шахснинг танлов бўйича эгалланадиган лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Илгари эгаллаб келган лавозими учун танловдан ўтмаган, шунингдек танловда қатнашиш учун ариза бермаган шахслар билан меҳнат шартномаси янги муддатга танловдан ўтмаганлиги ёхуд танловда қатнашишни рад этганлиги сабабли олий таълим муассасаси ректори томонидан белгиланган муддатларда (қоидага кўра, ўқув семестри, йил тамом бўлгандан кейин) меҳнат қонунчилигига мувофиқ тўхтатилади.

**Кафедралар бирлаштирилганда ёки кафедра бўлинганда педагог ходимлар бўйича муддатидан олдин танловлар ўтказишга йўл қўйилмайди.**

**Кафедралар бирлаштирилган тақдирда янгидан ташкил этилган**

**кафедра мудири лавозимини эгаллаш тўғрисидаги масалани олий таълим муассасасининг илмий кенгаши олдиндан танлов эълон қилмасдан, яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилади.**

**Кафедра бўлинган тақдирда унинг мудири сайланган муддати ўтгунгача, ректор буйруғи билан янгидан ташкил этилган кафедралардан бирининг мудири лавозимига тайинланади. Бошқа кафедранинг мудири лавозимига танлов бўйича мудир тайинланади.**

**Олий таълим муассасаси ректорига танлов ўтказилгунгача кафедранинг етакчи ўқитувчиларидан биттасига ёки деканга бўш кафедра мудири лавозими бўйича вазифаларни бажаришни юклашга рухсат этилади.**

Вакиллик органларида сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиши натижасида унинг билан меҳнат шартномаси тўхтатилган ўқитувчи унинг сайлов бўйича ваколатлари тугагандан кейин танлов натижаларига кўра сайланган муддати тугагунгача мазкур олий таълим муассасасининг илгари эгаллаб келган ёки унга тенг бўлган педагог ходимлардаги лавозимга тайинланади.

Олий таълим муассасаси ректорига олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида кўриб чиқиш учун педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритиш ҳуқуқи берилади.

Олий таълим муассасаси (факультет) илмий кенгашида педагог ходимнинг эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан олдин унинг фаолияти ректорнинг буйруғи билан тасдиқланадиган комиссия томонидан ўрганиб чиқилиши керак. Илмий кенгаш қарори асосида педагог ходимни эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги бўйича вазифасидан озод қилишга унинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли илмий-методик ва тарбиявий ишлар, шунингдек лекциялар ва семинар машғулотлари ўтказиш даражаси паст бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Агар илмий кенгаш қарорига кўра кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи-стажёр эгаллаб турган лавозимига номувофиқ деб эътироф этилса, у ҳолда унинг билан тузилган меҳнат шартномаси белгиланган тартибда тўхтатилади.

Кафедра мудири билан тузилган меҳнат шартномаси, шунингдек кафедрага раҳбарлик қилиш бўйича ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли илмий кенгаш қарорига биноан тўхтатилиши мумкин.

Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини тўхтатиш масалаларига доир меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**Ушбу тартибга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилиши мумкин деб ҳисоблаймиз.**

**1.Тошкент давлат юридик университетида ўқитувчи ва катта ўқитувчи лавозимларига ўқитувчилик, илмий-тадқиқот ва амалий иш тажрибасига эга бўлган бакалаврларни ҳам қабул қилиш кўзда тутилган. Бундай ҳолат таълим сифатини пасайишига олиб келиши нўқтаи-назаридан Низомдан чиқарилиши мақсадгша мувофиқ.**

**2. Магистр даражасига эга шахслар педагог ҳисобланиши нўқтаи назаридан улар олий таълим муассасаларида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги ушбу Низомда белгилаб қўйилган, лекин, сўнгги йилларда 1 йиллик магистратуралар ҳам жорий этилмоқда ва уларнинг ўқув режаларида педагогикага оид фанлар ҳамда педагогик иш кўзда тутилмаганлиги сабабли, уларни педагог деб ҳисоблаш мумкин эмаслигидан келиб чиққан ҳолда Низомда 2 ва ундан ортиқ йил магистратурада ўқиб тугатганлар олий таълим муассасасида педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкинлиги ўз аксини топиши лозим (педагогикага оид магистратура мутахассисликлари бундан истисно).**

**3. Кафедраларга педагогларни ишга қабул қилишда уларнинг магистратура мутахассисликлари тегишли бакалавриат негизида эканлиги ёки йўқлигига эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Айрим ҳолларда бакалавриат таълим йўналиши билан шифри бир хил бўлмаган магистратура мутахассислигини битирган мутахассисларни ишга олиниши олий таълим муассасаларида айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда, жумладан уларга бакалавриат таълим йўналишларига оид фанлардан дарс бериш ҳолатлари учрмоқда, бунга йўл қўйиш мумкин эмас, сабаби у ишга магистратура дипломи билан қабул қилинган шу сабабли улар магистратура мутахассислигига оид фанлардан дарс бериши лозим. Фундамент бўлмаганлиги сабабли дарс сифати талабга жавоб бермайдиган ҳолатлар юзага келмоқда. Низомда булар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта бундай ҳолларда кафедра мудирининг масъулияти белгилаб қўйилиши лозим.**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Баҳо |
|---|---|---|
| **Ўқув-методик фаолияти (40 балл)** | | |
| 1. | **Ўқитувчилик фаолияти (20 балл):** | |
| 1.1. | Назарий билимларни, амалий кўникмаларни ва ўқитиладиган фаннинг замонавий тенденцияларини эгаллаганлик даражаси (очиқ машғулотлар натижалари бўйича) | |
| 1.2. | Ўқитиш сифати даражаси (талабалардан сўраб чиқиш натижалари бўйича) | |
| 1.3. | Талабаларнинг ўқитувчининг йўлланмаси (фани) бўйича олимпиадаларда, ҳар хил танловлар ва илмий грантлардаги иштироки | |
| 2. | **Методик ишлар (20 балл):** | |
| 2.1. | Йил мобайнида олий таълим муассасаси ўқитувчиси томонидан нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сони | |
| 2.2. | Ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси, ўқув курсини ва ўқув-тақдимот материалларини ишлаб чиқиш | |
| 2.3. | Ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва талабалар билимларини баҳолашнинг илғор усуллари қўлланилиши даражаси | |
| **Тарбиявий фаолияти (20 балл)** | | |
| 3. | Талабалар билан тарбиявий иш бўйича тадбирларда иштирок этиш: маънавий-маърифий ишлар, спорт клублари, илмий, ижодий тўгараклар, маданий тадбирлар ва шу кабилар | |
| 4. | Талабаларнинг академик гуруҳларида кураторлик | |
| 5. | Талабаларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишдаги иштироки | |
| 6. | Идора, минтақа доирасида бажариладиган жамоатчилик ишлари ва олий таълимдан ташқари ишлар | |
| **Илмий фаолияти (30 балл)** | | |
| 7. | Илмий конференциялар ишида иштирок этиш | |
| 8. | Илмий нашрларда (шу жумладан хорижий илмий нашрларда) материаллар, монографиялар эълон қилиш | |
| 9. | Халқаро, илмий лойиҳаларга, хўжалик шартномаларига раҳбарлик қилиш ёки уларда иштирок этиш | |
| 10. | Патентлар ва ихтиролар сони | |
| 11. | Таянч докторантлар ва докторантларнинг диссертация тадқиқотларига илмий раҳбарлик қилиш | |
| 12. | Докторлик диссертациялари доирасида илмий тадқиқот олиб бориш | |
| **Олий таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган улуши (10 балл)** | | |
| 13. | Бошқа таълим муассасалари: олий таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этиш (ўқитувчилик фаолияти ва улар учун билимлар даражасини ошириш тренингларини ташкил этиш) | |
| 14. | Хорижий олий таълим муассасалари билан айирбошлаш дастурларида иштирок этиш ва уларни ташкил этиш | |
| 15. | Янги йўналишни, янги кафедрани, лабораторияни очиш ишида, Ахборот-ресурс марказининг электрон базасини тўлдиришда иштирок этиш | |
| **Шахсий фазилатлари (10 балл)** | | |
| 16. | Илмий даража ва илмий унвон | |
| 17. | Малака ошириш курсларидан ўтиш | |
| 18. | Хорижий тилларни эгаллаганлик, материалларни ишлаб чиқиш ва фанни ўқитишда улардан амалда фойдаланиш | |
| 19. | Хорижий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда стажировкадан ўтиш | |
| | **ЖАМИ (энг кўп балл — 110)** | |

Изоҳ: олий таълим муассасасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, кўрсаткичлар ичида тегишли мезонлар бўйича балларни тақсимлаш олий таълим муассасаси томонидан белгиланади.

# V. ГЛОССАРИЙ

# V. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи |
|---|---|
| **Ички баҳолаш** | Таълим ташкилотларининг фаолиятини ички баҳолаш таълим ташкилотлари томонидан ўзини ўзи баҳолаш ҳисобланади. |
| **Ташқи баҳолаш** | Таълим ташкилотларининг фаолиятини ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин таълим ташкилотлари фаолиятига Давлат инспекцияси томонидан баҳо бериш ҳисобланади. |
| **Ички назорат** | Олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқлаган назорат тизими ҳақидаги низом асосида ўтказилади. |
| **Ташқи назорат** | Таълим ташкилотини ташқи назорат қилиш бўлиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади. |
| **Давлат-жамоатчилик назорати** | Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. |
| **Якуний давлат назорати** | Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича уларнинг ўқув режаларига мувофиқ равишда ўқув фанлари бўйича давлат аттестацияси, бакалавриат талабаси учун битирув малакавий иши ёки магистратура талабаси учун диссертация ҳимоясини ўз ичига олади. |
| **Таълим ташкилотлари аттестацияси** | Таълим ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш бўйича давлат назоратининг асосий шакли. |
| **Давлат аккредитацияси** | Давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек нодавлат таълим ташкилотлари (бундан буён матнда таълим ташкилотлари деб юритилади) фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқининг тақдим этилишидан иборат жараён. |

| | |
|---|---|
| **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** | Умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир. |
| **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар** | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади |
| **Олий маълумот даражаси** | шахс томонидан олий таълимнинг муайян ўқув режалари ва фанлар дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси |
| **Олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом)** | Аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг олий таълимнинг ўқув режалари ва фанлар дастурини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради |
| **Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар и классификатори** | Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати |
| **олий таълимнинг давлат таълим стандарти** | Муайян таълим соҳасига (соҳа таркибига) қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, битирувчилар умумий тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон даражаси |
| **Малака талаблари** | Узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар |
| **ўқитишнинг меъёрий муддати** | таълим олувчилар томонидан ўқув режалари ва фанлар дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат |
| **ўқув фанлари блоки** | ўқув режалари ва фанлар дастурларининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминлайдиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми |

| | |
|---|---|
| **Ўқув режаси** | олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжат |
| **Ўқув фани** | таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими |
| **Ўқув семестри** | олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми |
| **Ўқув фани дастури** | таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат |
| **Малака амалиёти** | ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, ўқув режалари ва фанлар дастурларнинг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми |
| **Ўқитиш сифатини назорат қилиш** | талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш |
| **Таълим сифатини назорат қилиш** | ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш |
| **Олий таълим** | узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади.<br>Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалавриат ва магистратура |
| **Ўқув режа** | ўқув фанларини ўрганиш кетма-кетлиги ва ҳажмини белгиловчи ўқув режаси |
| **Ишчи ўқув режа** | талабаларнинг шахсий ўқув режалари асосида шакллантирилган ўқув режаси, ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаларини ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжат |

# VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

# VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


**I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

**II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги “343-сонли қороригa ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори.

18. Таълим ташкилотларини аттестациядан ўтказиш мезонлари [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3214].

## III. Махсус адабиётлар:

11. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

12. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар. Ўқув қўлланма. Нью Брансвик Университети, 2020 й.

13. Олий таълимнинг меъёрий - ҳуқуқий хужжатлари тўплами. -Т., 2013.

14. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / Р.Р. Агишев, И.В. Анисимова, Ш.М. Валитов, Д.А. Гопкало, В.Г. Крюков, А.Е. Пушкина, Л.А. Симонова, А.П. Снегуренко. Под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

15. The European Higher Education Area. - Joint Declaration of the Ministers of Education. - Bologna, 1999, 19 June.

16. Shaping our Own Future in the European Higher Education Area // Convention of European Higher Education Institutions. - Salamanca, 2001, 29-30 march.

**IV. Интернет сайтлар:**

17. http://edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

18. http://lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

19. http://bimm.uz – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.

20. http://ziyonet.uz – Таълим портали ZiyoNET.

21. http://natlib.uz – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.